# “ҲУРМАТ” СЕМАНТИК МАЙДОНИНИ ЎРГАНИШДА ПРАГМАТИКА ВА СЕМАНТИКАНИНГ ФАРҚИ

**А.И.Маткаримова**

*Данная статья посвящена определению разницы между прагматическим и семантическим подхождами в процессе изучения макрополя «Уважение».*

*In this article the author tries to define the differences between the pragmatic and semantic approaches to the study of macrofield “Respect”.*

---

Маълумки, “майдон” атамаси форсча-тожикча бўлиб, полисемантик хусусиятга эгадир. Бу сўзнинг кўп маъноли характери луғатларда ҳам ўз аксини топган. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да берилган таърифга кўра: 1. Ҳовли-жойга яқин очиқ ер, сайҳон ёки боғча томорқа. 2. Умуман очиқ ер, майдон ёки экинзор. 3. Бирор иш-ҳаракат учун мўлжалланган ёки шундай иш-ҳаракат юз берадиган жой. 4. Жабҳа, соҳа, доира. 5. Физ. Бирор физик ҳодиса рўй берадиган ёки унинг таъсири сезиладиган фазо.

1). Аслида "майдон" сўзи атама сифатида биринчи бўлиб физика фанида қўлланила бошлаган. XIX асрнинг биринчи чорагида М.Фарадей (1791-1867), А.Эстерд (1777-1851), А.Ампер (1775-1867) каби олимларнинг фаолияти билан боғлиқ ҳолда электр зарядларининг ўзаро таъсири, кейинчалик магнит майдони назарияси яратилди.

XIX асрга келиб физикадаги майдон назарияси таъсирида тилшуносликда ҳам "майдон" тушунчасининг назарий талқини юзага келди. Тилшуносликда майдон билан боғлиқ тушунчаларнинг пайдо бўлишида В.фон Гумбольдтнинг "тилнинг ички формаси" ҳақидаги қарашлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Гумбольдт тилнинг бўғин, қолип, ўхшашлик каби элементлардан ташкил топганлигини айтар экан, уларни бирлаштириб, тилнинг яхлитлигини таъминлаб турадиган восита сифатида "ички форма" ғоясини тарғиб қилди. Унинг таъкидлашича, "тилни ҳар бир толаси бошқа толалар билан чамбарчас ҳолда боғланиб кетган улкан матога ўхшатиш мумкин. Инсон муомала-муносабатга киришар экан, мана шу улкан матонинг бир қисмидангина фойдалана олади, холос. У ўзи фойдаланаётган бўлакнинг бошқа бўлаклар билан мунтазам алоқадорликда эканлигини нутқ жараёнининг ўзидаёқ сезиб туради".

2) В.фон Гумбольдтнинг бу қарашлари ўша даврда физика фанида фаол қўлланилган майдон назариясининг механик равишда тилшуносликка кўчирилиши учун туртки бўлиб хизмат қилди, дейиш мумкин. [4.66]

Майдон назарияси (идеография) ҳақидаги илк тасаввурлар Шарқ олимлари ва адибларининг

асарларида куртак ёзган. Лекин бундай қарашларнинг алоҳида лингвистик таълимот сифатида таркиб топиши ва ривожланиш тарихи, шубҳасиз, Европа тилшунослиги тараққиёти тарихи билан бевосита алоқадордир. Бу таълимот тилшуносликка дастлаб семантик майдон назарияси сифатида кириб келган эди.

Майдон назариясининг тилшуносликда пайдо бўлиши XX асрнинг 20-30-йилларида янада мустаҳкамланди. Ўша пайтда тадқиқотчилар "мазмуний майдон" атамасини турлича изоҳладилар. Й.Трир, Л.Вайсгербер, В.Порциг, Г.Ипсен, Ф.Дорнзейф, В.Вартбург, В.М.Солнцев, Г.С.Щур, Е.В.Гулыга, Е.И.Шендельс каби олимлар семантик майдон ёки тушунча майдони асосида тил бирликларини таҳлил қилиш методологиясини ишлаб чиққан эдилар. Масалан, Й.Трир мазмуний майдон сифатида "тушунчалар майдони", "тушунчалар доираси"ни назарда тутган бўлса, Л.Вайсгербер "тил мазмунининг маълум қисми, таркибий бўлаги"ни, Г.Ипсен эса мазмуний ва грамматик жиҳатдан боғланган сўзлар гуруҳини семантик майдон сифатида талқин этган эди. Ф.Дорнзайф ва В.Вартбурглар тил лексик таркиби – ажратилиш мумкин бўлган семантик гуруҳларида мазмуний майдонни кўрадилар[1.4-44].

Тилшунос олим В.Порцигнинг талқинига кўра, мазмуний майдон маълум бир тилдаги сўзлар орасида ўрнатилувчи асосий муносабатлар билан узвий боғланади ҳамда гапда предикатив вазифани бажарувчи феъл, сифатлар ва отлар орасидаги боғлиқликдан келиб чиқади [1.8,18].

Умуман олганда, Г.С.Щурнинг таъкидлашига кўра, тилшуносликда "майдон" компоненти иштирок этган тушунчалар, атамалар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: функционал-семантик майдон, морфемик майдон, фонетик майдон, сўз ясаш майдони, лексик майдон, макромайдон, кўплик майдони, микромайдон, нисбат майдони, вақт майдони, соннинг микромайдони, гапнинг микромайдони, компоратив майдон, бирлик майдони, ҳаракат майдони, шахс майдони, ўрин майдони, квазиомайдон, инкор майдони, лексик-грамматик майдон, трансформацион майдон, фаолият майдони, ҳолат майдони кабилар.

Г.С.Щур майдон назариясини янада ривожлантириб, парадигматик майдон, синтактик майдон, функционал-семантик майдон, ассоциатив майдон, морфо-семантик майдон сингари майдон турларини рус тили мисолида таҳлил қилди. Олимнинг таъкидлашича ҳар бир тилда луғавий бирликларнинг инвариант ва функционал-инвариант гуруҳлари мавжуд бўлиб, ўша тилнинг барча белги-ҳусусиятлари улар орқали юзага чиқади. Шунга биноан бундай гуруҳларни лингвистик майдон деб ҳисоблаш мумкин [4.234].

Ўзбек тилшунослигида ҳам XX асрнинг 70-80-йилларидан бошлаб система талқини билан боғлиқ равишда кўпгина илмий-назарий қарашлар пайдо бўлди. Бу ўринда профессорлар Ш.Раҳматуллаев, И.Қўчқортоев, А.Нурмонов, Ҳ.Неъматов, Р.Расулов, Э.Бегматов, О.Бозоров, Т.Мирзақулов, Ш.Искандарова, Р.Сафарова, шунингдек, А.Собиров, С.Муҳаммедова, Б.Қиличев, М.Нарзиева, Ҳ.Ҳожиева, Ш.Сафаров, М.Расулова, С.Раҳимов, М.Хакимов каби олимларнинг илмий кузатишлари ва олинган хулосалари ўзбек ва европа тиллари лексикасини майдон назарияси асосида ўрганишда муҳим аҳамият касб этди. Жумладан, Ш.Искандарова "Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс майдони)" мавзусида докторлик ишини ҳимоя қилди (1999) ва монографиясини нашр эттирди. Бу билан олима ўзбек тилшунослигида "майдон" тушунчасининг қўлланиш доирасини янада кенгайтирди [1.4-44].

Х.Ҳожиева эса ҳурмат маъносини ифодаловчи воситаларни яхлит майдон сифатида ўрганиб, мазкур воситаларнинг ўзаро маънодошлиги билан бирга кўпмаънолилиги, тежамкорликка муносабатини ҳам аниқлади. У “ҳурмат”ни ифодаловчи грамматик формаларнинг турли хусусиятларини атрофлича тадқиқ қилган, аммо лексемаларни ўрганмаган.

Ушбу мақолада прагматика билан семантика ўртасидаги фарқ хусусида ҳам фикр билдирилиши муносабати билан, аввало, прагматика билан семантиканинг моҳияти нимадан иборат эканлигига эътиборни қаратамиз. О.С.Ахмановнинг “Лингвистик атамалар луғати”да прагматикага қуйидагича таъриф берилган: “Прагматика – тил бирликларини тизимдан ажратувчи ва уни ўрганувчи ҳамда тилдан фойдаланувчиларга нисбатан тил воситаларининг муносабатини кўрсатувчи тил таҳлилининг асосий кўринишларидан биридир” [3,344].

Аслида ушбу таъриф ҳам прагматик лингвистиканинг моҳиятини тўла очиб бера олмайди. Агар биз тилга ҳаракатдаги воқелик сифатида қарайдиган бўлсак, прагматикани семантикадан фарқлайдиган бир қатор хусусиятлар мавжуд: биринчидан, прагматик маъно кўпроқ сўз маъносининг кўчишига ҳам асосланиши мумкин. Масалан, қуйидаги икки келтирилаёган гапда прагматика билан семантиканинг фарқини тўла кўриш мумкин.

Қиёсланг: Аҳмад бешта тарвуз еди. – Аҳмад бешта тарвузни паққос туширди.

Биринчи гапда фақат семантика бор, холос. Иккинчи гапда эса тўлақонли прагматик маъно мавжуд.

Нутқ вазияти билан контекст прагматик тадқиқотларнинг асосини ташкил қилади [1.58-66]. Шунинг учун ҳам семантик қурилма ифодаланган пропозициянинг сўзлашувчиларга тушунарли бўлиши учун нутқ вазияти ёки контекст зарур бўлган жойда прагматикага эҳтиёж ортади [4.384].

Шу ўринда Юсуфбек ҳожининг гапларини эсга олайлик: *Кумуш уялиб зўрғагина салом берди ва Юсуфбек ҳожининг яқинига келиб бўйин эгди. Ҳожи қўли билан Кумушнинг елкасига қоқиб қўйди ва Кумушнинг манглайига тегизиб олган ўз қўлини ўпди:*

*- Бизнинг Марғилонда ҳам шундай келинимиз бор экан-ку, биз билмай юрган эканмиз-да, - деб теварагига қараб кулинди ва қўлини дуоға очди.*

Юсуфбек ҳожининг гапи прагматик жиҳатдан хушомадми ёки инсон шахсини шарафлашми?

Ёки Президентга юборилган табрикларни олайлик: *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов Жаноби олийларига!*

Бу Президентга бўлган *ҳурмат*, юксак ишонч ва эътиборни билдиради.

Жумланинг ифода мақсадига кўра турлари, объектив мазмун билан ифодаланган шакл ўртасидаги муносабат, шакл ва мазмун ўртасидаги тенгсизлик ҳолатининг нутқдаги таъсири қаби масалалар ҳам прагматикага киради. “Мен” ва “бошқалар” ўртасидаги муносабатни кўрсатувчи нутқий этикет, ҳурмат ифодасининг усуллари ҳам прагматиканинг ўрганиш соҳаси саналади [2.238].

Шакл ва мазмун ўртасидаги тенгсизлик ҳолатининг нутқдаги таъсири, “мен” ва бошқалар ўртасидаги муносабатни кўрсатувчи нутқий этикет, “ҳурмат” майдонининг ифода усуллари қуйидаги кишилик олмошларининг турли нутқий вазиятларда ишлатилиши билан айтилган фикрнинг асослайди.

Инглиз ва ўзбек тилларида “ҳурмат” семантик майдони воситалари билан алоқадор бир нечта ижтимоий муносабат мавжуд: турли табақа, синф, гуруҳга мансублик, касб, жинс, маълумот, ёш, қариндошлик, яқин-яқин эмаслик, амал, лавозим ва бошқалар. Бунда ўрганилаётган халқларнинг миллий ахлоқи, тарихи, маданияти бирламчидир. “Ҳурмат” семантик майдони воситаларининг қўлланилиши икки ёки ундан ортиқ омилга боғлиқ бўлади. Ушбу вазиятда сўзловчи, тингловчи ёки ўзга шахс орасидаги муносабат олиб кўрилади.

Нутқ жараёнида сўзловчи ва адресатнинг мавқеини аниқлаш муаммоси тилшуносларнинг диққат марказида турган муаммолардан биридир.

Интеракцияда иштирок этаётганлар тил воситаларини, энг аввало, кишилик олмошларининг функционал вазифаларига ҳамда уларнинг ситуацияга қараб ўзгариб туришига ўз эътиборларини алақачон қаратганлар. Маълумки, кишилик олмошлари коммуникацияда асосий ва етакчи тил бирлиги бўлиб хизмат қиладилар, уларсиз мулоқотни тасаввур қилиш қийин. Дунёдаги барча тилларда кишилик олмошлари мавжуд ва улар ўз тизими, шу билан бирга нутқда бажарадиган вазифаларига эга. Бир кишилик олмоши бажарадиган функционал вазифани иккинчиси бажара олмайди.

Гапни “Сен” олмошининг таҳлилидан бошлаймиз. Тадқиқотчилар томонидан ҳозирги кунда “Сен” олмошининг қуйидаги вазифаларда ишлатилиши кузатилган:

1) сўзловчи ва адресатнинг яқинлигини ифодаловчи восита сифатида;

2) қариндошлар ўртасида ишлатиладиган восита сифатида;

3) болалар тилида ишлатилиши. Бу кўпинча болаларнинг ўзаро мулоқоти ёки кичик ёшдаги болаларнинг катталарга мурожаати пайтида ишлатилиши;

4) катталар томонидан ишлатилиши;

5) мулоқот пайтида сурбетларча, юзсизларча адресатга “Сен” деб мурожаат қилиниши;

6) бетакаллуф муносабат, иноқлик, ошна-оғайничиликда ишлатилиши.

Юқорида келтирилган вазифалар билан бир қаторда яна “Сен” олмоши диалогдан ташқарида алоҳида ишлатилади, яъни абстракт инсонларни ифодалайди. Масалан: “Сен ватан учун нима қилдинг?” Инсон атрибутларини ҳам акс эттиради. Масалан: “Эҳ ҳаёт, сен нима учун менга берилгансан?” География, космик объектларни ифодалашда ҳам “Сен” олмоши ишлатилади. Энг қизиғи шундаки, “Сен” деб мурожаат этиш ким биландир хаёлан мулоқот қилаётган пайтда шундай вазифани бажаради.

“Сен” олмошининг 7 хил нутқий вазиятда ишлатилишидан икки турини алоҳида ажратиб кўрсатиш керак. Булар: “Сен”нинг катталар томонидан ишлатилиши (ёш иерархиясига биноан юқоридан пастга қараб, яъни сўзловчи ёши улуғ, адресат эса бола). Кейингиси “Сен”нинг сурбетларча, юзсизларча ишлатилиши (ижтимоий иерархияга кўра юқоридан қуйига қараб). Нутқий вазиятда “Сен”дан ташқари яна “Биз” (Инклюзив) олмоши ҳам ишлатилади. Бу олмош кўпинча мурожаат этилаётган пайтда икки шахсни – адресат ва сўзловчини теппа-тенг қамраб олади. Шу билан бирга, мазкур нутқий вазиятда сўзловчининг адресатга нисбатан юқорироқ мавқеини белгилайди. Масалан: тиббий кўрикдан ўтаётганда вазиятнинг эгаси албатта врач бўлади. Бундай пайтда мижознинг ижтимоий ёки ёшига нисбатан мавқеи врач учун аҳамиятсиз. Шунинг учун у мижоз-

га ҳомийларча ёки меҳрибонларча мурожаат этиб, “Биз” олмошини ишлатиши табиий хол. Қиёсланг, рус тилида: *Ну, как мы себя чувствуем? Давление у нас нормальное, разве чуточку повышено, но нам не двадцать лет.*

Сўзловчининг адресат билан ҳамкорлиги, ҳамдардлиги шунчалик юқорики, у ўзини адресат ҳолатига солиб, унинг дардига шерик бўлмоқчи. Биринчи шахс кўпликдаги сўроқ формаси қуйидаги калималарда, жумладан, *“Қалай ишлаяпмизми?”* кабиларда сўзловчи ўзи ишламаётган бўлса-да, адресат билан ҳамкорлигини таъкидламоқчи. Шуни ҳам эътибордан четга чиқармаслик керакки, сўзловчи ўзини тингловчининг шахсий доирасига нафақат ҳамдардлик билдиргани, балки, танқидий мақсадларни кўзлаб ҳам кириши мумкин. Масалан: *“Халиям дам олаяпмизми? Нима қиламиз, мум тишлаб тураверамизми?”*

Рус тилидаги “Он” ва “Она” олмошлари ўзгача прагматик вазифа бажаради. Яъни улар одамларни сўзловчининг шахсий таъсиридан чиқариб ташлашни ифодалайди. У ҳолатда сўзловчининг одамларни хақоратлашга, ҳурмат қилмасликка ёки тарбиясининг меъёрда эмаслигига ишора қилишга мойиллигини билдиради.

Сўзловчи ва адресатнинг интеракция пайтидаги мавқеи Э.Воҳидовнинг қуйидаги тўртлигида аниқ ва равшан кўрсатиб берилган.

*На мен сенга ишқ изҳор этдим,*
*На сен менга майл этдинг ошкор,*
*Сени бир зум тутмоққа энди,*
*На ҳаққим бор, на ҳуқуқим бор.*

Келтирилган тўртликдаги яна бир нарсага диққатингизни тортмоқчимиз, яъни сўзловчи билан тингловчи мунтазам бир-бирларини ўрнини тўлдириб келишар экан, шу билан бирга сўзловчи ва тингловчи шахсининг бир-бирига қарама-қарши қутбларда жойлашганлигини ҳам кўрсатиб келади.

Кишилик олмошларининг функционал вазифалари сўзловчи ва адресатнинг мавқеини аниқлаш билангина чегараланмайди. Улар ўз маъноларини яна ўнг ва сўл контекстларда конкретлаштирадилар. Сўзловчи ва адресатнинг мавқеларини кўрсатишдан ташқари кишилик олмошлари анафорик (сўл контекстга ишора) ва катафорик (ўнг контестга ишора) вазифани ҳам бажарадилар, айни пайтда матн ҳосил қилувчи омил бўлиб хизмат қиладилар [1].

Дунё тилларининг айримларида кишилик олмошлари сўзловчи ва тингловчига ишора қилиш билан бирга инсон хусусияти (характери)нинг белгиси сифатида ҳам ўзларини намоён этадилар. Масалан: Э.Кинаннинг гувоҳлик беришича, Мадагаскар тилида олмошлар интеракция иштирокчиларининг қайси миллатга мансублигини ҳам кўрсатиб келадилар.

Прагматиканинг ўрганиш соҳаларидан энг муҳими пресуппозициядир. Ўзбек тилшуносларидан Н.Маҳмудов, А.Нурмонов ҳамда У.Раҳимовларнинг илмий ишларида унинг назарий томонлари батафсил ёритиб берилган. Тўғри, ҳанузгача пресуппозициянинг тўлақонли тамойиллари айрим соҳалар бўйича ишлаб чиқилган бўлса-да, биз ўрганаётган “ҳурмат” майдонига нисбатан бу тамойиллар етарли эмаслиги ҳам сезилиб қолмоқда. Биз бу мавзу хусусида кейинги мақолаларимизда тўла маълумот берамиз. Чунки муаммо алоҳида мавзу сифатида ёритилишни талаб этади.

**Адабиётлар:**

1. Анипкина Л.Н. Оценочное высказывание в прагматическом аспекте//Филолологические науки.- 2000.- №2.- С.58-66
2. Арутюнова Н.Д. Типы языковых значений: Оценка, Событие, Факт.-М.: Наука, 1988
3. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. М., 1969
4. Рахимов С.Р. Дейктические формы вежливости в прагмалингвистическом аспекте//Прагматические и семантические аспекты синтаксиса.- Калинин: Изд.КГУ, 1985
5. Ўринбоев Б. Ўзбек сўзлашув нутқи синтаксиси.- Т.: Ўзбекистон, 1974
6. Нурмонов А. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. -Т., 2000

*Андижон давлат университети,*
*2012 йил 7 сентябрда қабул қилинган*
*(Тақризчи: проф. С.Раҳимов)*